EUROPEAN UNION

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Birlashgan Millatlarning ta'lim, fan va madaniyat ishlari bo'yicha tashkiloti

ПРЕСС РЕЛИЗ

Европа Иттифоқи ва ЮНЕСКО касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш орқали, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун 9,6 миллион евро миқдоридаги дастурини ишга туширди

Тошкент, 2020 йил 28-июль – Бугун Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ҚХВ) билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида кўникмаларни ривожлантириш" номли янги дастурини амалга жорий қилишни бошлади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) ЮНЕСКО томонидан 2020-2024 йилларда Ўзбекистоннинг танланган ҳудудларида амалга ошириладиган ушбу ташаббусга 9,6 миллион евро маблағ ажратди.

Мазкур лойиҳа COVID-19 пандемиясидан энг куп зарар кўрган ҳамда иш жойлари ва даромаллврини йўтган кишлок ахолисини қўллаб-қувватлаш йўлида хукуматимиз томонидан амалга оширилаетган ислоҳотларга кўмаклашиш нуктаи назаридан жуда ўринли ва долзарбдир. Шунингдек, бу бизга Covidдан кейинги даврда еш авлодни тарбиялашда ва келгусида муаммоларга бардошлиликни оширишга ёрдам беради" деди жаноб Азиз Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия раиси.

"Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва уларнинг ҳамкор-давлатлари илғор тажриба алмашадилар ва умр бўйи таълим олиш ва ижтимоий фаолликни амалга ошириш; таълим ва ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш; тенглик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва фаол фуқароликка кўмаклашиш; ва ижодкорлик, инновация ва тадбиркорликни ривожлантириш учун бир-бирларидан ўрганадилар. Ишончимиз комилки, Европа Иттифоқи-ЮНЕСКОнинг янги дастури замонавийлаштирилган қишлоқ хўжалигидаги касб-ҳунар таълими ва ўқитиш (КТЎ) сифатини ва самарадорлигини оширишга ва Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги яқинда амалга оширган ислоҳотларига ҳисса қўшади" – Ж-б Эдуардс Стипрайс, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси.

Ушбу ташаббус доирасида ЮНЕСКО янги ташаббуслар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва амалга жорий этишда, шу жумладан трансверсал усулларни, юқори технологияли қишлоқ хўжалигини ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қишлоқ ва ирригация сохаларида ўқитувчилар ва тренерларни тайёрлашда, қайта ишлаш ва мамлакат бўйлаб инновацион ёндашувларни қўллашда ёрдам беради.

"Биз трансверсал усулларнидан фойдаланишни , юқори технологияли қишлоқ хўжаликни ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хамда Ўзбекистон бўйлаб инновацион ёндашувларни кенгайтиришда ўз тажриба ва кўмагимизни тақдим этишга тайёрмиз. Қишлок хўжалиги самарадорлигини ошириш,хамда қишлоқ ва ирригация соҳаларида ўқитувчилар ва мураббийларни тайёрлаш учун ушбу янги ва инновацион ташаббусларни синовдан ўтказиш ва амалга жорий этиш орқали, ушбу дастур минтақа ва ундан ташқарида ақлли кишлок хўжалиги ва аниқ деҳкончиликка ўтиш учун намуна булиши мумкун" – Ж-б Ян Хладик, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили

Дастур ҳақида

"Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш орқали турмуш даражасини оширишга қаратилган. Махсус мақсад Ўзбекистондаги аёллар ва эркакларни барқарор, хилма-хил ва замонавий қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур кўникмаларга эга бўлишдир. Кутилаётган натижалар: 1) Касб-ҳунар таълими соҳасида сиёсатни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва бошқарув чораларини замонавийлаштириш, мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳаларида ривожланишга мослаштириш; 2) Касб-ҳунар таълими тизимининг малакаси ва методологияси меҳнат бозори талабалари ва қишлоқ хўжалигидаги ўқувчилар ва ишчилар эҳтиёжларини қондириш учун замонавийлаштирилади; 3) Замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар ва ўқитиш усулларидан фойдалана оладиган малакали менежмент ва ўқитувчилар таркибига эга бўлган самарали касб-ҳунар коллежлари шакллантирилади.

ЮНЕСКО ҳақида

ЮНЕСКО 1945 йил 16 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган агентлиги сифатида ташкил этилган. Бу тинчлик ўрнатиш, қашшоқликни тугатиш, барқарор ривожланиш ва таълим, фанлар, маданият, алоқа ва ахборот орқали маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилади. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонасининг ЮНЕСКО Бош қароргоҳи, Бангкок, Жакарта ва Олмаотадаги минтақавий ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси билан яқин ҳамкорликда режалаштирилган ва бошқарилмоқда.

Вебсайт: https://en.unesco.org/
Facebook: www.facebook.com/UNESCO.Tashkent

Батафсил маълумот учун масъул шахс:

Наталья Силкина, Коммуникация ва ахборот бўйича мутахассис, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вқаколатхонаси
n.silkina@unesco.org

Европа Иттифоқи ҳақида

27 аъзо давлатдан ташкил топган Европа Иттифоқи дунёнинг энг катта донoридир. Ўзбекистон 2014-2020 йилларда 168 миллион евро миқдорида ёрдам олди. Шунингдек, Ўзбекистон чегараларни бошқариш ва гиёҳванд моддалар назорати, таълим, демократия ва инсон ҳуқуқлари, энергетика, транспорт, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорлик, сув/экология ва ядро хавфсизлиги каби соҳаларда минтақавий ва тематик кўмак ҳам олди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 1996 йилдан бери фаолият юритиб келади ва ҳар йили ривожланиш учун 24 миллион евро миқдорида ёрдам кўрсатади..

Вебсайт: http://eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan
Facebook: www.facebook.com/eudeluzb

Батафсил маълумот учун масъул шахс:

Наргиза Аликулова, Матбуот ва ахборот бўйича мутахассис, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси
Narghiza.ALIKULOVA@eeas.europa.eu